

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРИСТЕТИ

“ТАРМОҚЛАР ИҚТИСОДИЁТИ”
КАФЕДРАСИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 338:623 (675.1)

ШОРУСТАМОВ ШАВКАТ ШОРАСУЛ ЎҒЛИ

МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК, ҒАЛЛАЧИЛИК ВА ЧОРВАЧИЛИК
КЛАСТЕР ФАОЛИЯТИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ
ЙЎЛЛАРИ

70310102– Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)
мутахассислиги бўйича

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:
Иқтисодиёт фанлари доктори,
проф. Б.Салимов

ТОШКЕНТ – 2023

Магистрлик диссертация иши “Тармоқлар иқтисодиёти” кафедрасида
дастлабки ҳимоядан ўтган.


7 -сонли баённома « 25 » 04 2023 й.

Илмий раҳбар: проф. Салимов Б.Т.

имзо

сана

Магистрант: Шорустамов Ш.Ш.




имзо

31.0
сана

Диссертация Иқтисодиёт факультетида 2023 йил “ 30 ” 05
№ 1/29 раками билан рўйхатга олинган.

“Ҳимояга тавсия этилади”

“Тармоқлар иқтисодиёти” кафедраси
муздари, доц. И.Ҳотамов _____ 

“ 8 ” май 2023 йил

Ҳимоя 2023 йил “ 31 ” 05 соат 10⁰⁰ да

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бўлиб ўтади

АННОТАЦИЯ

Мамлакат иқтисодий тараққиётининг муҳим шарти инновацион фаолиятни ривожлантириш бўлиб, у барқорор иқтисодий ўсишга замин яратади, ҳудуднинг стратегик мақсадларини амалга оширишга ёрдам беради. Ушбу диссертацияда мева-сабзавотчилик, ғаллачилик ва чорвачилик кластер фаолиятини инновацион ривожлантириш йўллари, вазифалари, мақсади ва йўналишлари баён этилган. Мева-сабзавотчилик, ғаллачилик ва чорвачилик кластер фаолиятини инновацион ривожлантиришнинг турли моделлари таҳлил қилинган. АҚШ, Канада, Германия, Австрия, Франция, Буюк Британия, Италия, Финляндия, Япония каби мамлакатлар тажрибаси таҳлили амалга оширилган. Ҳар бир мамлакат миқёсида кластер ёндошувининг қисқача мазмуни, функциялари, асосий дастаклари, устунлик ва камчиликлари келтирилган. Аниқланган муаммоларни ечиш мақсадида мева-сабзавотчилик, ғаллачилик ва чорвачилик кластер фаолиятини инновацион ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Мева-сабзавотчилик, ғаллачилик ва чорвачилик кластер фаолиятини инновацион ривожлантириш бўйича белгиланган вазифалар, илмий янгиликлар ва хулосалар шакллантирилди ҳамда ҳар бир янгиликка мос хулоса ва таклифлар келтирилди.

Калит сўзлар: *Рақобатбардошлилик, кластер ишлаб чиқарувчилар, мева-сабзавотчилик истеъмолчилар, бозор, кластер, аграр соҳа, қишлоқ хўжалиги, маҳсулотлар, рақобат, ғаллачилик.*

ANNOTATION

The prerequisite for the economic development of the country is the development of innovative activities, which will lay the groundwork for solid economic growth, help to realize the strategic goals of the territory. This dissection describes the ways, objectives, objectives and directions of the development of innovation of fruit and vegetable, grain and livestock cluster activities. Various models of the development of innovation of the cluster activity of fruit and vegetable growing, grading and livestock are analyzed. Analysis of the experience of such countries as the USA, Canada, Germany, Austria, France, Great Britain, Italy, Finland, Japan has been carried out. Each country-wide summary of the cluster approach, features, main supports, advantages and disadvantages are presented. In order to solve the identified problems, proposals and recommendations for the development of innovation of fruit and vegetable, grain and livestock cluster activities have been developed. Established tasks, scientific innovations and conclusions were formed on the development of innovation of fruit and vegetable, grain and livestock cluster activities, and conclusions and suggestions were made to suit each innovation.

Keywords: *Competitiveness, cluster producers, fruit and vegetable consumers, market, cluster, agrarian sector, agriculture, products, competition, agriculture.*

МУНДАРИЖА

	КИРИШ	7
	Дисертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.....	7
	Тадқиқот мақсади ва вазифалари.....	8
	Тадқиқотнинг асосий муаммолари ва саволлари.....	8
	Тадқиқот ишининг объекти ва предмети.....	9
	Тадқиқот ишининг илмий янгилиги.....	10
	Тадқиқот натижаларининг илмий-назарий ва амалий аҳамияти.....	10
	Диссертация таркибининг қисқача тавсифи.....	11
I БОБ.	АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ ВА ТАҲЛИЛИ	12
1.1.	Мева-сабзавотчилик, ғаллачилик ва чорвачилик кластер фаолиятини инновацион ривожлантиришнинг назарий асослари.....	12
1.2.	Мева-сабзавотчилик, ғаллачилик ва чорвачилик кластер фаолиятини инновацион ривожлантириш бўйича ўрганилган адабиётлар шарҳи.....	21
1.3.	Мева-сабзавотчилик, ғаллачилик ва чорвачилик кластер фаолиятини инновацион ривожлантириш анъанавий манбалари ва омиллари.....	25
II БОБ.	ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ	38
2.1.	Тадқиқот назарий ва методологик асослари	38
2.2.	Маълумотларни тўплаш жараёни.....	39
2.3.	Таҳлил учун қўлланиладиган усуллар.....	40
III БОБ.	МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК, ҒАЛЛАЧИЛИК ВА ЧОРВАЧИЛИК КЛАСТЕР ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИ ВА УНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ	41
3.1.	Мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқаришини барқарор ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини ошириш натижалари таҳлили	41
3.2.	Ўзбекистон мева-сабзавот, ғалла ва чорва маҳсулотларининг ташқи бозорлардаги устунлигини таққослаш.....	49
3.3.	Мева-сабзавотчилик, ғаллачилик ва чорвачилик кластер фаолиятини инновацион механизмини такомиллаштириш.....	61
	ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР	72
	ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	75

КИРИШ

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.

Жаҳонда озиқ-овқат маҳсулотлари ташқи савдосини ривожлантириш асосида мамлакат иқтисодиёти рақобатбардошлигини ошириш, экспорт имкониятларини кенгайтиришга қаратилган маркетинг стратегияларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Халқаро озиқ-овқат хавфсизлиги ташкилоти(FAO)нинг баҳолашича, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг жаҳон экспорти ҳажми 2022 йилда 2021 йилга нисбатан 0,6 фоизга ошиб, жами товарлар савдосининг 7,8 фоизини ташкил этган. Жаҳон бозорида мева-сабзавот маҳсулотлари йиллик экспорти 2022 йилда 180,0 млрд. АҚШ долларини ташкил этиб, унда асосан Нидерландия, АҚШ, Испания, Хитой ва Бразилия сингари ривожланган мамлакатлар хиссасига тўғри келмоқда.

Жаҳон мамлакатларида мева-сабзавотчилик, ғаллачилик ва чорвачилик кластер фаолияти таҳлили ва уни инновацион ривожлантиришга қаратилган самарали экспорт стратегиялари ишлаб чиқишнинг долзарблигини янада оширмоқда. Халқаро амалиётда кўплаб мамлакатларда маркетингнинг «диверсификация», «интеграцион ўсиш», «нисбий устунлик асосида рақобатбардошликни ошириш» сингари стратегияларини қўллаш асосида ташқи бозорларга кириб бориш, мева-сабзавотчилик, ғаллачилик ва чорвачилик кластер фаолияти таҳлили ва уни инновацион ривожлантиришни янада такомиллаштириш асосий илмий тенденциялардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон ўрик, олхўри, узум, ёнғоқ, карам ва бошқа кўплаб мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича дунёдаги етакчи ўнта давлатдан бирига айланди. Аммо эришилаётган натижаларга карамай, мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш, ички ва ташқи бозорларга сотиш бўйича маркетинг тадқиқотлари талаб даражасида эмаслиги, хорижий бозорларга кириш бўйича маркетинг стратегиялари ишлаб чиқилмаганлиги мамлакатнинг халқаро бозорлардаги рақобатбар-дошлигини таъминлаш имконини бермаяпти.